# МИЛЛИЙ ЎЗБЕК МАКТАБЛАРИДА БАДИИЙ ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ

*ЛОЙИҲА*

## МАКТАБДА БАДИИЙ ТАЪЛИМНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистондаги ҳозирги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, жумҳуриятимиз халқ таълимидаги танглик мактабларда ҳамма фанлар қатори тасвирий санъат ўқитилишини ҳам тубдан қайта қуришни тақозо этади. Мазкур муаммо бадиий таълимнинг тарихи, унинг назариёт ва амалиётдаги аҳволини, қўшни жумҳуриятлар, хорижий мамлакатларда бу ўқув фанига бўлган муносабатни ўрганиш ва улардан тегишли хулосалар чиқаришни шарт этиб қўяди. Маълумки, бизнинг мавжуд ижтимоий тарбия тизимимиз узоқ йиллар давомида юқори идоралардаги сиёсатдон раҳбарлар томонидан белгилаб келинди. У тизим инсонга жамият томонидан бериладиган қадриятларни акс эттирадиган формулаларни тиқиштириш ва ёдлатишнинг норматив тизими бўлиб қолди.

Болаларга инсон эмас, меҳнат ресурслари сифатида қаралиб келингани, табиий-математик туркумдаги фанларга эътиборни ҳаддан зиёд ошириб юборилганлиги ва, аксинча, нафосат тарбия йўналишидаги ўқув фанларига (адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат) эътиборни ҳаддан зиёд пасайтирганлиги ёшларимизни роботлашган янги авлодларини шаклланувига олиб келди. Шунинг учун ҳам болаларда ҳар бир шахсга хос бўлган ижодкорлик, ташаббускорлик, мустақиллик ва нафосат сезилмайди.

Мактаб ўқув режаларида бадиий таълимнинг ўрни илмий хулосалар асосида эмас, балки юқоридан, бир гуруҳ раҳбарлар томонидан белгиланиб, улар тасвирий санъатга ижтимоий ривожлантирувчи, ижодкорликни ўстирувчи омил эмас, балки болаларнинг кўнгил очувчи фани сифатида муносабатда бўлдилар, аниқроғи, санъатни шахс камолотидаги аҳамиятини яхши тушуниб етмадилар.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг тасвирий санъатдан мутахассис эмасликлари, шунингдек, уларни кўп ҳолларда бу ўқув фани ўрнига математика, ўқиш, она тили дарсларини ўтказишлари болалардаги тасвирий фаолиятга бўлган қизиқишни аста-секин сўндира бошлади. Қолаверса, математика, она тили, ўқиш, рус тили бўйича таълим мазмунининг ўта мураккаблиги болаларга оғирлик қилди, уларнинг меъдасига тегди. Оқибатда бу ўқув фанларига бўлган ҳавас ҳам бўшашиб кетди.

Ўқув режаларига биноан юқори синфларда табиий-математика туркумидаги фанларга эътиборни ҳаддан зиёд орттириб юбориш бу фанлардан дастурларни ўта мураккаблаштириб юборди. Натижада дастур материалларини ёмон ўзлаштирилиши ва таълим мазмунидаги бошқа салбий сабаблар болаларни мактабдан безишга олиб келди.

Бадиий таълимга тааллуқли энг муҳим вазифалардан бири — мактабларни рассом-ўқитувчилар билан таъминлаш (ҳозирда олий махсус маълумотлилар 10, ўрта махсус маълумотлилар эса 25 фоиз атрофида), моддий-техникавий база ва ўқув-методик таъминот энг кам миқдорда ҳам бажарилмади. Тасвирий санъатдан махсус маълумотлилар Ўзбекистоннинг бир вилоятида керагидан ортиқ бўлса, иккинчисида етишмайди. Ўрта махсус педагогик ўқув юртларида тайёрланаётган рассом-ўқитувчилар эса бутунлай талабга жавоб бермайди.

Махсус маълумотли рассом-ўқитувчиларнинг етишмаслиги бошланғич синфларда бу ўқув фанини тасвирий санъатдан етарлича билими бўлмаган муаллимлар қўлига ўтиб қолишига сабаб бўлди. Бу эса ўз ўрнида тасвирий санъат ўқитиш савиясини ниҳоятда пастга тушиб кетишига олиб келди. Махсус маълумотга эга бўлган тасвирий санъат ўқитувчиларининг мактабларда тўла нагрузка билан таъминланмаётганлиги эса уларни мактабдан бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетишга мажбур этмоқда.

Мактабдаги таълим мазмуни қатори бадиий таълимга оид бу қониқарсиз аҳвол ёшларимиз орасида маънавий ва маданий қашшоқликни келтириб чиқариш билан бирга улар орасида жиноятчилик ва қонунбузарликнинг авж олдиришга ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг устига бадиий таълим мазмунида хилма-хиллик жорий этилмаганлиги, хорижий мамлакатлардаги бадиий таълим ривожидаги илғор тамойилларни (тенденцияларни) ҳисобга олмаслик ва ундан фойдаланмаслик (АҚШ, Олмония, Англия, Франция каби мамлакатларда тасвирий санъат 1—2-синфларда ҳафтасига 2 соатдан 5 соатгача, Япония, Покистон, Миср, Афғонистон, Эфиопия, Ҳиндистон кабиларда эса биздагига қараганда 2—3 баробар кўп ҳажмда ўқитилади) халқ таълимидаги энг катта хатолардан бири бўлди. Буларнинг жами бадиий таълимни халқ таълими тизимидаги энг қолоқ бўлимлардан бўлиб қолишига олиб келди.

## МАКТАБДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мактабда тасвирий санъатни бола шахсини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида тўхталганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болаларда ижодий қобилиятлар, кўриш хотираси, маром ва уйғунлик туйғулари, ҳаётдаги ва санъатдаги нафосатни кўра билиш ҳамда англаб етиш маҳоратини, ранг сезиш, эмоционал сезгирлик, кузатувчанлик ва образли тафаккурни ўстиришда, сабр-тоқатни ва фикрни бир жойга тўплаш кўникмасини ҳосил қилишда мактабда тасвирий санъат олдига тушадиган биронта ўқув фани йўқ. Шахс камолотида ва ҳаётда ҳар бир шахснинг турмушдаги ва касбий фаолиятда бундай хусусиятлар ниҳоятда керак бўлади. Шу билан бирга бу ўқув фани инсон ақл-идрокининг ҳамда унинг теварак-атрофни, ундаги воқеа ва ҳодисаларни билиш ҳамда уни ўзгартириш йўлларини ўргатади. У иқтидор ва истеъдодни шаклланувн учун кенг имкониятлар очиб боради.

Тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида ўқувчилар олдига қўйиладиган топшириқлар аслида бир хилда бўлмайди. Хилма-хил топшириқлар эса ўқувчидан бирдан-бир ва бетакрор ўз шахсини, ўзининг маънавий имкониятларини намоён этишга шароит яратади. Бола ўқув топшириқларини ечишда ўзида ижодкорликни излайди, у ижод қилишга аввалдан маълум бўлган йўлдан бориб, ечимларни тез ҳал қилиб қўя қолмай, балки у янгича, қайтарилмас ечимлар излаш орқали ўзининг ижодкорлик ва ҳаёлотини (фантазиясини), меъёр ва уйғунлик сифатларини намоён қилади.

Муайян билимлар, малака ва кўникмалар мажмуига эга бўлган киши фақат ижрочи кишидир, холос. Жамиятимиз учун эса фақат ижрочилар эмас, балки ижодкор, ташаббускор, ўйловчи ва ўзлаштирувчи кишилар керак. Эртанги кун ишчиси, муҳандиси, олими махсус билимлардан ташқари яхши ривожланган фаҳм-фаросат ва айни вақтда аниқ мантиқий тафаккур, ҳаётда кўзда тутилмаган янги вазиятларга тез ва тўғри жавоб бера олиш, кутилмаган ностандарт ечимлар топа билиш маҳоратига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Кишиларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги, мустақиллигига кенг имконият яратиб бериш керак. Мактаб ва бадиий таълим мазмунини аниқлашнинг энг катта ва энг қийин, лекин муҳим ва асосий вазифаси ҳам ана шундан иборат. Бугунги кунда, муболағасиз айтиш мумкинки, ҳамма соҳада ва ҳар бир шахсда ана шу сифатлар мавжуд бўлиши талаб этилмоқда. Ижодий тафаккур бутунлай янги ғоялар ва тасаввурларни вужудга келтиради, шахсдаги индивидуалликни (ўзига хосликни) ўстиради ҳамда маданиятни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Расм чиза билиш ва ҳамма масалаларга ижодий ёндашиш хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида, айниқса, ишлаб чиқаришда зарурдир. Шакл, ранг, ўлчов ва мутаносибликни фарқлай билиш фақат тасвирий санъат дарсларида таркиб топади.

Юритилган фикрлар бизга шу нарсадан далолат берадики, тасвирий фаолият болаларда ҳаётдаги ва санъатдаги гўзалликларни кўра билиш ва ундан завқланишда аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки ижодкор шахсни таркиб топтиришда энг зарур сифатдир. Тасвирий ва декоратив-амалий санъат, меморчилик асарлари намуналарини ўрганиш ўқувчиларни унутилган бадиий маданиятимизнинг дурдоналаридан баҳраманд қилади, уларга халқлар тарихи, уларнинг турмуш тарзини чуқурроқ билиб олиш имкониятини беради. Бадиий маданият ва ижодкорлик, ҳар бир шахс қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳаммага зарурдир.

Умуман, мактабда тасвирий санъат ўқув фанининг мақсади болаларда маънавий маданиятнинг таркибий қисмларидан ҳисобланган бадиий маданиятни шакллантириш, шу қатори улардаги ижодий индивидуаллик ва тафаккурни ўстиришга қаратилгандир. Бу ўқув фанининг вазифалари эса қуйидагилардан иборат деб қаралади:

— ўқувчиларни борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни кўра билишга ўргатиш;

— ўқувчиларда бадиий-ижодий қобилиятни, бадиий дидни, кўриш хотирасини, ранг сезишни, фазовий тасаввурни, кузатувчанликни, чамалаш қобилиятларини ўстириш;

— болаларда бадиий ва тасвирий малакаларни ҳосил қилиш ва ўстириш;

— болаларга тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликнинг «образли тили»ни эгаллашга ёрдам бериш;

— ўқувчиларда тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликка ҳурмат ва қизиқиш уйғотиш;

— болаларда аҳлоқий сифатларни шаклланувига кўмаклашиш;

— ўғил-қизларда нафосат ва эмоционал сезгирликни ўстириш.

## МАКТАБДА БАДИИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Умумтаълим мактабларида таълим мазмуни давр тақозоси билан демократиялаштирилиши, инсонпарварлаштирилиши ва авалгиларига қараганда енгиллаштирилиши лозим. Шу мақсадда жумҳуриятимиз вилоятлари ва районлари мактаблари танлаб олишлари учун «Тасвирий санъат», «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат», «Амалий ва тасвирий санъат», «Амалий санъат ва меъморчилик», «Тасвирий санъат ва табиатшунослик» каби ўқув фанлари тавсия этилади. Бу ўқув фанларига ажратилган соатлар ҳажми ҳам турлича бўлади, лекин улар 2 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Тасвирий санъат ўқув фанида болаларга берилаётган вазифалар синфдаги ҳамма болаларга бир хил аҳамият касб этмайди, баъзи болалар бу вазифаларни яхши, бошқалари бўш, қолганлари эса бутунлай ўзлаштира олмайдилар. Бу ҳол бутунлай ўзлаштирмайдиган бир қатор ўқувчиларнинг мазкур ўқув фанига ҳавасини йўқотади. Ҳамма ўқувчиларда тасвирий фаолиятга бўлган қизиқиш ва фаолликни сақлаб туриш учун таълимни табақалаштириш керак бўлади. Бунинг учун тасвирий санъатдан табақалаштирилган (мураккаб, ўрта, содда) бадиий таълим жорий этилади. Ўғил ва қиз болалар бадиий таълими ҳам табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Болаларда бадиий таълимга доир билим ва малакаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни хоҳлар эканмиз, уни болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуришимиз лозим. Таълим мазмуни ўқувчиларнинг ўқув материалини ортиқча қийналмай ўзлаштиришларини назарда тутган ҳолда тузилади. Психологлар, физиологлар, дидактлар ва методистларнинг махсус тадқиқотлари, ўзбек ва бир қатор хорижий мамлакатлар мактабларида тасвирий санъатни ўқитишнинг тарихий тажрибаси, уни ҳозирда халқимиз маданий савиясининг пастлиги ва жамиятимизнинг шахсни маънавий жиҳатдан юксалтириш, шунингдек, мактабдаги бутун ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда тасвирий санъатни 1—11-синфларда ўқитилади.

Бошланғич синфларда, умуман олганда, таълим мазмуни ҳозирги мазмундан кескин фарқ қилиши лозим. Бошланғич синфларда таълим мазмунини аниқлашдаги энг муҳим принциплардан бири болаларнинг қизиқишини ҳисобга олишдир. Афсуски, шу кунга қадар бошланғич синфларда болаларни қизиқишларига ҳам, эҳтиёжларига ҳам, идрок даражаларига ҳам етарлича эътибор берилмади. Биринчидан, болаларга тушадиган юк (нагрузка)нинг ниҳоятда оғирлиги, иккинчидан, бир қатор (математика, рус тили, ўзбек тили, эски ўзбек алифбоси, меҳнат) фанлар бўйича берилаётган билим ва малакаларни ҳаддан зиёд мураккаблаштириб юборилганлиги ва болаларда катта қизиқиш орттирадиган тасвирий санъат, мусиқа, ўйин, жисмоний тарбия, табиатшунослик каби ўқув фанларига етарлича эътибор берилмаганлиги бошланғич синф ўқувчилари орасида мактабдан безиш, билим ва малакаларни эгаллашга бўлган иштиёқни пастлашиб кетишига олиб келди. Бунга йўл қўймаслик учун бошланғич синфларда умумий нагрузкани камайтириш йўли билан бир қаторда болаларни қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни ўйин, мусиқа, тасвирий санъат, бадантарбия, табиатшунослик дарсларига қаратилиши керак бўлади. Бу эса ўз навбатида бошланғич синфларда тасвирий санъатни ҳафтасига 3 соатдан ўқитилишини талаб этади. Бошланғич синф тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга ёмон баҳолар қўйиш тавсия этилмайди. Ёмон баҳо қўйиш ўқувчиларни тасвирий фаолиятларидаги камчиликларни бартараф этишга эмас, балки уларни ўқув фанидан совиб кетишига сабаб бўлади.

Ҳозирда ўқитилаётган тасвирий санъат ўқув фанининг турларидан амалий ва тасвирий санъат, амалий санъат ва меъморчилик, тасвирий санъат ва табиатшунослик, тасвирий санъат ва бадиий меҳнат кўп қиррали бадиий таълим мазмунини ўз ичига олади.

## БОРЛИҚНИ ВА САНЪАТНИ ИДРОК ЭТИШ

**А. Борлиқни идрок этиш.** Теварак-атроф ва воқеликдаги гўзалликни идрок этиш кўникмаларини ривожлантириш мактабнинг барча синфларида жорий қилинади. Бу бўлим дастурда мустақил ўринни эгаллайди, у санъатнинг ҳаёт билан алоқасини тушунишга, воқеликдаги турли-туман ранглар, шакллар, материалларнинг хилма-хиллигини кўришга ва билишга хизмат қилади. Бу бўлимда амалий санъат ва меъморчилик борлиқнинг бир қисми сифатида ўрганилади.

**Б. Санъатни идрок этиш.** Санъатнинг бу тури бўйича идрок этиш машғулотларида маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлган бадиий маданиятни шакллантиришгагина эмас, балки у мактаб ўқувчиларини ижодий ривожлантириш ишига ҳам хизмат қилади.

Санъатни ўрганишда миллийликдан байналмилалликка, яқиндан узоққа, танишдан нотанишга ўтиш принципида иш олиб борилади. Шу мақсадда маҳаллий материаллар ва ўзбек санъати асосида ташкил этиладиган машғулотлар дастлабки босқичларда (4 — 7-синфларда) асосий ўринни эгалласа, кейинчалик қардош халқлар (Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон), Шарқ, сўнгра Европа санъатини ўрганишга киришилади. Тасвирий санъатни идрок этиш 4-синфдан бошланиб, ўрта мактабнинг охирги синфигача давом эттирилади.

## НАТУРАГА ҚАРАБ ТАСВИРЛАШ

Натурага қараб тасвирлаш икки қисмдан ташкил топади: а) натурага қараб расм ишлаш; б) натурага қараб ҳайкал ишлаш.

**Натурага қараб расм ишлаш.** Натурага қараб расм ишлаш тасвирий билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради, кўриш хотирасини ва кузатувчанликни ривожлантиради, борлиқ ва воқеликдаги типик ва гўзал нарсаларни кўришга ўргатади, тасвирланаётган объектларнинг шакли, мутаносиблиги (пропорциялари) ва ранг муносабатларини, фазовий жойлашувини кўриш имконини беради.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотлари учун шакли, ранги, тузилиши жиҳатдан ўқувчиларда ҳис-ҳаяжон уйғота оладиган ва турмушда қўлланиладиган буюмлар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонот олами намуналари танлаб олиниши назарда тутилади.

**Натурага қараб ҳайкал ишлаш.** Лой ва пластилиндан натурага қараб нарсалар тасвирини ишлаш теварак-атрофдаги гўзал нарсаларни идрок этишга, болаларни ҳажмли тасвирлаш малакаларини ва кўриш хотирасини такомиллаштиришга, буюмларнинг шакли, мувозанати, тузилишини кўра олишга ёрдам беради. Бунда дарслар мактаб ўқувчиларининг ижодий камолотига кўмак берадиган тарзда ташкил этилиб, улар предметлар, қушлар, ҳайвонларнинг юмалоқ ва рельефли ҳайкалларини ишлашни ҳам назарда тутади.

## КОМПОЗИЦИЯ

Композиция тасвирий санъат курсининг асосий қисмларидан бўлиб, рангтасвир композицияси, ҳайкалтарошлик композицияси ва декоратив композиция бўлимларидан ташкил топади. Улар бадиий таълимнинг барча бўғинларида ўз ўрнини топади. Мазкур бўлим ўқув фанига ажратилган вақтнинг ярмидан кўпини эгаллайди.

Композиция бўлими асосида бадиий дидни, ижодий тафаккурни, тасаввурни, кўриш хотирасини ривожлантириш, тасвирий кўникмалар ва малакаларни такомиллаштириш вазифалари ётади.

Композиция ўз мазмунига кўра болаларни илгаридан белгилаб қўйилган қоидалар ва мажбурий қонунлар, усуллар, воситалар билан чеклаб қўймайди, бу эса ижодкор шахсни таркиб топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

## БАДИИЙ ҚУРИШ — БУЮМ (ПРЕДМЕТ) ЯСАШ

Бу бўлим ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бадиий-техник характерга эгадир. Унда болалар қирқиш, буклаш, елимлаш юзасидан махсус малакаларга эга бўладилар. Бу турдаги машғулотларда болалар одам, паррандалар, ҳашаротлар кабиларни, предметлар ва ўсимликлар дунёсини, меъморчилик биноларини турли табиий ва бадиий материаллардан, рангли қоғозлар, газлама, сим, ип, пластилин, лой, картон каби материаллардан тайёрлайдилар.

## РАНГШУНОСЛИК

Ранглар бутун ҳаётимиз мобайнида бизни ҳамма жойда қамраб олган, кишилар ҳаётида ва фаолиятида катта роль ўйнайди. Гёте «Ранглар назарияси»да ёзганидек, сариқ ранг кўзни қувонтириб, юракни кенгайтиради, руҳимиз тетик бўлади ва биз дарҳол илиқликни ҳис қиламиз.

Ранглар ҳақидаги бўлим рангшунослик асослари тўғрисида, рангларнинг киши ҳаётидаги роли тўғрисида айрим тасаввурлар, айниқса, табиатда ранглар, рангнинг турмуш ва ишлаб чиқаришдаги, халқ истеъмол моллари ва техника буюмларидаги роли, рангнинг тасвирий ва декоратив-амалий санъатдаги, меъморчиликдаги аҳамияти ҳақида айрим назарий маълумотлар беради. Бу тушунчалар ва тасаввурлар рангшунослик бўйича мустақил машғулотлар жараёнида ҳам, шунингдек, натурага қараб тасвирлаш бўйича амалий машғулотларда ҳам, атроф-воқелик ва санъатни идрок этишда ҳам, композицион фаолиятда ҳам берилади.

Мазкур йўриқнома (концепция) таълим мазмунини мактабларда амалга ошириш жараёнида турлича бадиий материаллар ва тасвирлаш техникасидан фойдаланишга жиддий эътибор беришни ҳам назарда тутади. Бундай бадиий материаллар қаторига қалам, соус, пастель, сангина, кўмир, акварель, тушь, гуашь, лой, пластилин, рангли қоғозлар, табиий материаллар, ойна, тош ва газлама парчалари ва ҳоказолар киради. Тасвирлаш техникаси эса штриховка, ҳўл ва қуруқ қоғозларда ишлаш, хомаки ишлар, гравюра, мозаика, витраж, аппликация, коллаж, батик кабилардан иборат бўлади.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИ

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар, жамиятимиз томонидан халқимизнинг келажаги ва тақдирини ҳал қилувчи ёш авлодни шакллантиришга қўйилаётган талаблар умумтаълим мактаблари ўқитувчисини янги шахс камолотига жавобгар бўлган киши тимсолида ўзида янгича сифат кашф этишини тақозо этади. Тасвирий санъат ўқитувчиси бошқа фанлар ўқитувчилари каби биринчи галда энг юксак фазилатли, аҳлоқий пок, имон ва эътиқодли, ҳалол ва софдил, болаларга нисбатан меҳрибон, ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналарини яхши биладиган шахс бўлиши керак.

Ўқитувчининг касбий хусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, у, энг аввало, ўз касбини дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ёндашадиган шахс бўлмоғи талаб этилади. Бу шахсда янги билимлар ва илғор тажрибаларга чанқоқлик, муҳими, унда ташкилотчилик, кузатувчанлик, қатъийлик хусусиятлари яққол сезилиб турсин. Ўқитувчи тасвирий санъатдан махсус билим ва малакалар билан қуролланмасдан туриб, муаллимлик қилиши мумкин эмас. Айниқса, у тасвирий санъатнинг қаламтасвир ва рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, шунингдек, декоратив-амалий санъат ва меъморчилик, санъат тарихи, санъатдаги турли оқимлар ва мактаблар, унинг ривожидаги тамойилларни пухта ўзлаштириб олиши, қолаверса, унинг биронта тури бўйича бадиий-ижодий ишлар олиб бориши ва бу билан болаларга намуна бўлиши керак бўлади. Ўқитувчи тасвирий санъат дарсларини замон талаблари даражасида ўтишни мақсад қилиб қўяр экан, у, аввало, ўзбек ва Шарқ мўъжаз санъатини, ўзбек халқ амалий санъати ва меъморчилигини, ҳозирги замон ўзбек тасвирий санъатини, шу билан бирга Туркистон ва Шарқ халқлари, шунингдек, бошқа хорижий мамлакатлар санъатларини пухта эгалламоғи лозим бўлади.

Тасвирий санъат ўқитувчиси бадиий ижоднинг психологик асосларини эгаллаган бўлмоғи муҳимдир. Айниқса, муаллимнинг тасвирий ижод билан боғлиқ бўлган психологик жараёнлар — ҳис ва туйғулар, қизиқиш, диққат, идрок ва сезиш, хотира, тафаккур ва тасаввурларни яхши билиши болалар бадиий ижодини фаоллаштиришнинг муҳим шартидир.

Ўқув фани методикаси бўйича тўла билимларга эга бўлиш, айниқса, Ўзбекистонда ва чет элларда тасвирий санъатни ўқитишнинг тарихи, ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, таълим мазмуни, дарсдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни, шакллари, усуллари, воситалари ҳақида чуқур билимларга эга бўлиш тасвирий санъат ўқитувчиси фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу билан ўқитувчининг бадиий туркумдаги ўқув фанлари ҳисобланган адабиёт, мусиқа машғулотлари ҳақида чуқур билимларга, қолаверса, тасвирий санъат ўқув фанлари билан узвий боғланадиган мактабдаги ҳамма ўқув фанларининг мақсад ва вазифалари, таълим мазмуни, ўқитишнинг шакл ва усуллари, воситалари бўйича умумий тушунчаларга эга бўлиши таълим жараёнида катта самара беради.

Тасвирий санъат ҳаётни билишнинг муҳим воситаларидан бири бўлгани учун ҳам ўқитувчи уни яхши билмасдан туриб, машғулотларни ҳаёт билан боғлаб олиб бормасдан туриб, юқори натижага эриша олмайди. Шундай экан, ўз халқи ва бошқа халқлар ҳаётини яхши билиш тасвирий санъат ўқитувчиси олдига қўйиладиган муҳим шартлардандир.

Юқорида айтилган фикрлар асосида тасвирий санъат ўқитувчилари фақат олий ўқув юртларида тайёрланади ҳамда уларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгартирилади.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими асослари миллий маданиятимиз ва унинг анъаналари, шунингдек, жаҳон бадиий маданияти дурдоналари асосида белгиланади. Бу нарса ўз-ўзидан қатор дастур, дарслик, методик қўлланма ва кўргазмаларни қайтадан ишлаб чиқишни тақозо этади ва у катта илмий-методик кучларни талаб қилади. Бунинг учун бадиий таълим бўйича Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси, вилоят педагогика ва малака ошириш институтлари, умумтаълим мактабларидаги мавжуд кучларни марказлаштириш лозим. Бу кучлар эътибори долзарб муаммоларни ечишга қаратилади. Муаммоларни ечишдан аввал уларнинг кўлами ва бажариладиган ишларнинг режаси ишлаб чиқилади.

Мазкур ишлар билан Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ташкил этиладиган бадиий таълимга доир илмий-методик марказ шуғулланади. Бу марказда тасвирий санъат ўқув фанининг мазмуни ва соатлар ҳажмининг хилма-хиллиги, синфдаги яхши, ўрта ва ёмон ўзлаштирувчи болалар учун мўлжалланган дастурлар, методик қўлланма, тавсиянома ва бошқа материаллар ишлаб чиқилади. Тасвирий санъатни ўқитишнинг илмий-методик таъминотида нашр ишлари билан бир қаторда матбуот, телевидение, махсус илмий-амалий конференциялар, танловлар катта роль ўйнайди.

Мактабда узлуксиз бадиий таълимни амалга ошириш, уни талаблар даражасида ўқитилишини хоҳлар эканмиз, бошланғич синфларда (мутахассислар бор жойларда) тасвирий санъат дарсларини рассом-ўқитувчиларга олиб берилиши шарт. Акс ҳолда бадиий таълимда ҳам, қолаверса, умуман бошланғич таълимда ҳам яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Лекин тасвирий санъат ўқитувчилари бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини, ўзига хос жиҳатларини мукаммал билишлари ва улар билан иш олиб бориш усулларини эгаллашлари зарур бўлади.

Тасвирий санъат машғулотларининг бир қисми, айниқса, табиатни ва меҳнат жараёнларини идрок этиш, табиий материаллар ёрдамида тасвирлаш, табиатдаги рангларни ўрганиш бевосита табиат қўйнида; меъморчилик, халқ амалий ва тасвирий санъат асарларини идрок этиш эса музейлар, майдонлар, кўргазма заллари ҳамда санъат асарлари ва меъморчилик обидалари қўйилган жойларда, шунингдек, рассомлар ва халқ усталарининг устахоналарида амалга оширилади.

Мактабларда тасвирий ва амалий санъат меъморчиликни ўқитишнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, машғулотлар учун камида икки синф хонаси ва натура ҳамда кўргазмали қуроллар учун махсус хона бўлиши талаб этилади.

Тасвирий санъат бевосита ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари билан боғлиқлигини ҳисобга олиб ва табақалаштирилган таълимни жорий этиш мақсадида бу машғулотларни икки гуруҳга бўлиб ўқитилади.

* * *

**Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Р. Ҳасанов томонидан тайёрланган мазкур йўриқнома (концепция) лойиҳаси институт илмий кенгаши мажлисида ҳамда Республика ўқув-методика маркази илмий-методик кенгашининг ишчи гуруҳи йиғилишида муҳокама этилиб, газетада эълон қилишга тавсия қилинган.**

**Мазкур йўриқнома лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истакларингизни қуйидаги манзилгоҳга йўллашингизни сўраймиз: 700003, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 174-уй. Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институтининг «Бадиий-мусиқий таълим ва тарбия» бўлими.**

# «МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

«Мулоқот» ойномаси бултур январдан чиқа бошлади, кўп ўтмай ўқувчилар назарига тушди, деди мухбиримиз билан суҳбатда ушбу журнал бош муҳаррири Б. Бойқобилов. Дастлабки сонлардан бошлаб ўз йўналиши, мавзулари борлигини кўрсатди. Унинг саҳифаларида янги-янги муаллифлар ўткир фикрларга бой мақолалар билан қатнаша бошладилар. Ойномада шу пайтгача тарихимизнинг халқдан яшириб ёки бадном қилиб келинган буюк сиймолари, улуғ саркардалар ва дин арбоблари ҳаётига оид материаллар ёритилди. Мақолаларда турғунлик даври, қатағон йиллари, инқилоб замонида юзага келган иллатларнинг илдизлари, қизил империя табиати, кўзбўямачи жамият кирдикорлари аниқ ва ёрқин далиллар билан очиб берилди.

Ўлкамиз мустақил бўлди. Энди нима қилиш керак? Шу каби саволларга ойнома саҳифаларида йирик файласуф, иқтисодчи, тарихчи олимлар батафсил асосли жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Жумладан, академик Ҳайдар Пўлатовнинг «Мафкуравий ҳукмдорлик», «Ўзбек мафкураси», «Миллий уйғониш давлати» мақолаларида Октябрь тўнтаришидан кейин ҳаммани бир қолипда фикрлашга мажбур қилган мафкуравий занжир тизимининг вужудга келиши ва унинг оқибатлари кўрсатиб берилди.

Ким миллий мафкура ҳақида ўйлаган? Бизда миллий мафкура борми? Миллий мафкурасиз давлат бўладими? Биз ким эдик, ким бўлдик?

Шу каби саволлар миллат учун, мустақиллик учун қайғурадиган ҳар бир зиёлини ўйлатиши, безовта қилиши табиийдир. Ойномада эълон қилинган машҳур тарихчи Бўрибой Аҳмедовнинг «Ўзбеклар», «Амир Темурга мактублар», Ботир Валихўжаевнинг «Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари», «Хожа Аҳрор: уйдирма ва ҳақиқат», Ҳамид Зиёевнинг «Туркистон ва чоризм истилоси», Боймирза Ҳайитнинг «Ватан сизларники бўлгани каби меники ҳамдир», «Туркистон миллий истиқлоли масалалари», Маҳкам Андижонийнинг «Маҳмуд Ғазнавий», қадимги диний асарлардан «Нурнома» ҳамда жуда кўп қизиқарли мақолалар, шеър ва ҳикоялар ана шу саволларга жавоб беради.

1992 йил иккинчи ярмидан бошлаб ойномада «Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари» янги рукн очилди. Бу рукн остида Шайх Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Саид Шамсуддин Кулол, Сулаймон Боқирғоний, Хўжа Аловиддин Аттор, Офоқ Хўжа, Сўфи Оллоёр каби мутасаввуфлар ҳақида мақолалар берилмоқда. Бу иш аслида анча илгари бошланган, Аҳмад Яссавий, Занги ота, Хожа Аҳрор Валийлар ҳақида мақолалар босилган эди. Оллоҳ насиб қилса, янги йилда Пайғамбар билан юз кўришган, суҳбатдош бўлган кишилар — Саҳобалар ҳақида ҳам мақолалар бермоқчимиз.

Ўқувчиларимизни «Мулоқот»нинг янги йилдаги сонларида қувонтирадиган режаларимиз ва ниятларимиз катта. Бироқ қоғоз нархи, босмахона, алоқа хизмати ҳаражатлари кутилгандан ҳам кўтарилиб кетди. Бу нашрлар бошига катта ташвиш бўлиб тушди.

1992 йилда «Мулоқот»га обуна баҳоси 60 тийиндан белгиланган эди. Кейинги нарх кўтарилиши натижасида журналнинг бир сони 30 сўмга тушмоқда. Аммо биз, сиз муштарийларни ўйлаб, 1993 йил обунасини 10 сўмдан белгиладик. Бир йилга 120 сўм тўласангиз, ўзингиз ҳам баҳраманд бўлган, бизни ҳам қўллаган бўласиз. Чакана сотувда журналнинг бир сони 15 сўм қилиб белгиланган.

Азиз муштарийлар, «Мулоқот» ойномасига обуна бўлишингизни сўраймиз. Индексимиз — 75401.

---

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ноҳиялари халқ таълими бўлимлари, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи, ўқитувчилар жамоалари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Йўлдошев Ҳамидулла Қаюмовичга рафиқаси

**Қирғизова Людмила МАҲМУДОВНАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Маърифат», «Учитель Узбекистана» рўзномалари жамоаси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Йўлдошев Ҳамидулла Қаюмовичга рафиқаси

**Қирғизова Людмила МАҲМУДОВНАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва табиат-жуғрофия факультети жамоаси ботаника кафедрасининг доценти Риҳсивой Тошмуҳамедовга онаси

**Васила ая МИРЗАЕВАнинг**

бандаликни бажо келтиргани сабабли таъзия изҳор этади.

---

Шайҳонтоҳур ноҳияси ҳокимияти ижроия маҳкамаси ва халқ таълими бўлими Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Йўлдошев Ҳамидулла Қаюмовичга рафиқаси

**Қирғизова Людмила МАҲМУДОВНАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғу ила таъзия изҳор этади.

